# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 45395 на приобретение Сув спорт турлари буйича ихтисослаштирилган болалар ва усмирлар спорт мактабини биносини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 10.03.2022

Время рассмотрения 10.03.2022 10:57

Конкурсная комиссия Сув спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SADIKOV BOTIR MIRXALILOVICH | Раҳбар | Тошкент вилояти Сув спорт турларига ИБЎСМ |
| **Секретарь комиссии** | RAFIKOVA NARGIZA ABROLOVNA | Ish yurituvchi | Тош.вил. ССТИБЎСМ |
| **Член комиссии** | NURMUXAMEDOV A'LOXON AZIZOVICH | Шифокор | Тош.вил. ССТИБЎСМ |
| **Член комиссии** | TURAYEVA NILUFAR KUDRATOVNA | Укув ишлари буйича рахбар уринбосари | Тош. вил.ССТИБЎСМ |
| **Член комиссии** | XOLBOYEV ABDURAXMON SHOKIROVICH | Bosh hisobchi | Тош.вил.ССТИБЎСМ |
| **Член комиссии** | MAMEDAMANOVA YELENA IGOREVNA | Metodist | Тош. вил. ССТИБЎСМ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 10.03.2022 года № лота 45395.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 50.00 / Весовой коэф. ценовой части: 50.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту нежилых зданий** |
| Подробное описание | Услуга по текущему ремонту нежилых зданий |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 499 322 807.00 |
| Стартовая сумма | 499 322 807.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловда иштирок этиш истагида булган талабгорлар лойиха смета жужжатлари ,экспертиза хулосаси хамда таьмирлаш билан тулик танишиб чикиши ва килинадиган ишларни сметаси (Офёртаси) билан таклиф такдим этиши

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этиш истагида булган талабгорлар лойиха смета жужжатлари ,экспертиза хулосаси хамда таьмирлаш билан тулик танишиб чикиши ва килинадиган ишларни сметаси (Офёртаси) билан таклиф такдим

этиши

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО BANDIXON BINOKOR BIZNES** | 20 | 471181738 | 18 | Экспертная | | |
| **XUMOYUN-SHOX INVEST MCHJ** | 20 | 468642874 | 15 | Экспертная | | |
| **ООО MUSTAFO 555** | 20 | Офферта | 15 | Экспертная | | |
| **MONUMENT STROY MCHJ** | 20 | Лойиха смета жужжатлари ,экспертиза хулосаси хамда таьмирлаш билан тулик танишиб чикдик | 10 | Экспертная | | |

Критерий №2 Танловда савдоларида иштирок этиш учун бажарилаётган ишни 10-15% миқдорида айланма маблағлар мавжудлиги тўғрисида банк маьлумоти ва айланма маблағ билан таьминлаш тўғрисидаги банк кафиллиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда савдоларида иштирок этиш учун бажарилаётган ишни 10-15% миқдорида айланма маблағлар мавжудлиги тўғрисида банк маьлумоти ва айланма маблағ билан таьминлаш тўғрисидаги банк кафиллиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО BANDIXON BINOKOR BIZNES** | 20 | 471181738 | 20 | Экспертная | | |
| **XUMOYUN-SHOX INVEST MCHJ** | 20 | 468642874 | 15 | Экспертная | | |
| **ООО MUSTAFO 555** | 20 | Солиқ ва банк хужжатлари | 15 | Экспертная | | |
| **MONUMENT STROY MCHJ** | 20 | Айланма маблаг | 12 | Экспертная | | |

Критерий №3 Иштирокчилар шартнома тузиш учун қонуний хуқуқга эгалиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик мавжуд эмаслиги, ўзига нибатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги, инсофсиз ижрочилар ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маьлумотнома.

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчилар шартнома тузиш учун қонуний хуқуқга эгалиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик мавжуд эмаслиги, ўзига нибатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги, инсофсиз ижрочилар ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маьлумотнома.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО BANDIXON BINOKOR BIZNES** | 20 | 471181738 | 18 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **XUMOYUN-SHOX INVEST MCHJ** | 20 | 468642874 | 10 | Экспертная | | |
| **OOO MUSTAFO 555** | 20 | 480118743 | 10 | Экспертная | | |
| **MONUMENT STROY MCHJ** | 20 | Гувохнома, солик, каф. хат | 10 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **OOO MUSTAFO 555** | 499 322 807.00 | 480 118 743.00 | 09.03.2022 15:20:53 | 48.80 |
| **OOO BANDIXON BINOKOR BIZNES** | 499 322 807.00 | 471 181 738.00 | 09.03.2022 12:01:04 | 49.73 |
| **XUMOYUN-SHOX INVEST MCHJ** | 499 322 807.00 | 468 642 874.00 | 09.03.2022 14:33:46 | 50.00 |
| **MONUMENT STROY MCHJ** | 499 322 807.00 | 430 573 602.00 | 09.03.2022 16:01:30 | |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **OOO MUSTAFO 555** | 33.5 | 48.8 | 82.3 |
| **OOO BANDIXON BINOKOR BIZNES** | 46.5 | 49.73 | 96.23 |
| **XUMOYUN-SHOX INVEST MCHJ** | 33.5 | 50 | 83.5 |
| **MONUMENT STROY MCHJ** | 26.5 | | 26.5 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 45395 от 10.03.2022 года на приобретение Сув спорт турлари буйича ихтисослаштирилган болалар ва усмирлар спорт мактабини биносини жорий таъмирлаш определила победителем:

OOO BANDIXON BINOKOR BIZNES
308559358

и резервный исполнитель: XUMOYUN-SHOX INVEST MCHJ (309141094)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SADIKOV BOTIR MIRXALILOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAMEDAMANOVA YELENA IGOREVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | XOLBOYEV ABDURAXMON SHOKIROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | NURMUXAMEDOV A’LOXON AZIZOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | TURAYEVA NILUFAR KUDRATOVNA | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Шартнома№ 27

**Тошкент вил** «11» март 2022 й.

Тошкент вил Сув спорт турларига ИБЎСМ дан Устав асосида иш олиб борадиган Б.М. Содиков, бундан кейин «Буюртмачи» деб юритилади, бир томондан ва «**BANDIXON BIZNES BINOKOR**» **МЧЖ** номидан жамият Низоми асосида иш олиб борадиган директор **С.Ж.Омонқулов** бундан кейин «Пудратчи» деб юритилади, бошқа томондан, қуйидагилар бўйича ушбу Шартномани тузди:

## 1. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «Буюртмачи» буюртма беради, «Пудратчи» эса қуйидаги объектда таъмирлаш ишларини бажаришни ўз зиммасига олади:

1.2. «Буюртмачи» ушбу ишларни қабул қилиш ва ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

## 2. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ

2.1. «Пудратчи»га буюртма асосида топширилаётган барча ишларнинг қиймати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.2003 йилдаги 261-сон қарори билан тасдиқланган «Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом» асосида ва ЎзРВМнинг 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом» асосида белгиланади.

2.2. Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида барча буюртма қилинган ишларнинг қиймати:
***471181738 (тўрт юз етмиш бир миллион бир юз саксон бир минг етти юз ўттиз саккиз сўм) ҚҚС билан сўм*** ни ташкил этади.

## 3. ИШ БАЖАРИЛИШИ МУДДАТЛАРИ

3.1. Барча топширилган ишлар иш жадвалида кўзда тутилган муддатларда амалга оширилади.
3.2. Ишни бошлаш ва тугатиш учун қуйидаги саналар белгиланади:
**Бошланиши** - банк ҳисобварағига олдиндан тўлов келиб тушган кундан бошлаб;
**Тугатиш** - «____» ________ 2022 йил.
3.3. Агар иш жараёнида таъмирлаш вақтини ва иш ҳажмини жадвалга мувофик ўзгартириш зарурати туғилса, унда бундай ўзгаришлар томонларнинг келишуви билан амалга оширилиши ва Шартномага Қўшимча келишув билан расмийлаштирилиши керак.

## 4. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

4.1. Ушбу Шартнома бўйича «Пудратчи»га барча тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси - сўмда амалга оширилади.
4.2. Тўлов шартлари:
- «Буюртмачи» «Пудратчи»га ушбу Шартноманинг шартнома қиймати миқдорининг 30%ни аванс шаклида тўлайди;
- Қолган 70% тўловни ушбу шартнома бўйича «Буюртмачи» «Пудратчи» томонидан тақдим этилган ҳисобварақлар асосида амалда бажарилган иш ҳажмлари учун тўлайди.

4.3. «Пудратчи» томонидан бажарилган ишлар миқдори бўйича барча ойлик тўловлар «Буюртмачи» томонидан тақдим этилган фактуралардаги жорий нархлар бўйича амалга оширилади. «Буюртмачи» ҳар ойда бажарилган иш ҳажмига мутаносиб равишда аванс тўловининг тегишли улушини ушлаб қолади. «Пудратчи» томонидан бажарилган ишлар учун ҳисоб-фактура «Буюртмачи» томонидан ҳисобот ойининг 25-кунигача сўзсиз имзоланади.
4.4. Жорий тўловларни амалга ошириш ҳисобот ойида бажарилган ишлар учун ҳисоб-фактуралар имзоланганидан кейин 7 (етти) календар кун ичида амалга оширилади.
4.5. Ишларни қабул қилиш томонларнинг ваколатли вакилларидан иборат комиссия актига биноан амалга оширилади. Бажарилган ишларда нуқсонлар, лойиҳадан четга чиқиш, камчиликлар ва ҳ.к. топилса, улар Актда акс эттирилади ва «Пудратчи»га аниқ муддат, лекин далолатнома имзоланган кундан бошлаб 10 кундан ортиқ бўлмаган вақт давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мажбурияти юкланади.

4.6. Ушбу Шартнома бўйича якуний тўлов аслида бажарилган ва қабул қилинган иш турлари ва ҳажмлари учун амалга оширилади.

## 5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. «Пудратчи» Шартнома бўйича буюрилган таъмирлаш-қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
5.2. «Пудратчи» таъмирлаш ва қурилиш ишларини - иш жараёнидаги қўшимчалар ва ўзгаришларга мувофиқ қўшимча муддатларда билан бирга - иш жадвалида белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.
5.3. «Пудратчи» Шартнома доирасида ўз кучи ва воситалари билан материаллар ва маҳсулотларни тушириш, қабул қилиш, сақлаш, тақсимлаш ва ташишни амалга оширади.
5.4. «Пудратчи» иш пайтида қурилиш майдончасида зарур бўлган ёнғинга қарши чоралар ва меҳнат хавфсизлиги чораларини амалга оширилишини таъминлайди.
5.5. «Пудратчи» лойиҳа-смета ҳужжатларини олгандан кейин 3 кун ичида иш жадвалини тақдим этади, таъмирлаш ва қурилиш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди.
5.6. «Пудратчи» ишларни тасдиқланган лойиҳалар, имзоланган ҳужжатлар, чизмалар ва сметаларга мувофиқ, амалдаги қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, шунингдек бажарилган ишларни ишлаб чиқариш ва қабул қилиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилишини кафолатлайди.

## 6. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Буюртмачи» иш бошланишидан олдин тасдиқланган тартибда, лойиҳа-смета ҳужжатлари, агар «варақдан» бўлса - керакли миқдордаги чизмаларни «Пудратчи»га ўтказади. «Буюртмачи» иш бошланишидан олдин «Пудратчи»га иш ҳажмини тақдим этади ва уларни амалга ошириш жараёнида тасдиқланган сметани «Пудратчи»га тақдим этади.
6.2. «Буюртмачи» «Пудратчи»га ишни бажариш учун келишилган таъмирлаш майдонини тақдим этади.
6.3. Қурилиш ишлари бошланишидан олдин «Буюртмачи» мебел, ускуналар ва инвентарлардан озод қилинган объектни «Пудратчи»га тақдим этади.
6.4. «Буюртмачи» жорий ойнинг 25-кунигача «Пудратчи» томонидан бажарилган ишларнинг қабул қилинишини таъминлайди, 3 кун ичида ҳисоб-китобларни текширади ва расмийлаштиради.

## 7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, «БУЮРТМАЧИ» ва «ПУДРАТЧИ» ЎзРнинг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ мулкий жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар, ЎзРВМнинг 12.09.2003 йилдаги 395-сон Қарори.
7.2. Тайёр ҳолдаги объектни қабул қилишни кечиктиргани учун «БУЮРТМАЧИ» «ПУДРАТЧИ»га ҳар бир кечиккан кун учун асосий шартнома нархининг 0,1% миқдорида, лекин шартнома миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.
7.3. Молиялаштиришни 20 кундан кўпроққа кечиктиргани учун - «БУЮРТМАЧИ» «ПУДРАТЧИ»га ҳар бир кечиккан кун учун энг кам иш ҳақининг 0,1% миқдорида жарима тўлайди.
7.4. Объект қурилишининг ўз вақтида бажарилмаганлиги учун «ПУДРАТЧИ» «БУЮРТМАЧИ»га ҳар бир кечиктирилган кун учун асосий шартнома нархининг 0,4% миқдорида жарима тўлайди.
7.5. Ишдаги нуқсонлар ва нуқсонларни бартараф этиш кечиктирилганлиги учун «ПУДРАТЧИ» «БУЮРТМАЧИ»га ҳар бир кечиккан кун учун энг кам иш ҳақининг 1 баробари миқдорида жарима тўлайди.

## 8. ЕНГИБ БЎЛМАС КУЧ ШАРТИ (ФОРС-МАЖОР)

8.1. Ҳеч бир томон бошқа томон олдида эълон қилинган ёки амалдаги уруш, фуқаролик тартибсизликлари, эпидемиялар, эмбарго, блокадалар, зилзила, тошқинлар, ёнғинлар ва бошқа табиий офатлар сабабли вужудга келган кечикишлар ёки етказиб берилмаган хизматлар учун жавобгар бўлмайди.
8.2. Тегишли савдо-саноат палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган сертификат форс-мажор ҳолатларининг мавжудлиги ва давомийлиги тўғрисида етарли далилдир.
8.3. Ўз мажбуриятларини бажармаган томон бошқа томонга тўсиқ ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига таъсири тўғрисида огоҳлантириши керак.
8.4. Агар форс-мажор ҳолатлари кетма-кет олти ой давомида амал қилган бўлса ва бекор қилиш аломатлари кўрилмаса, ушбу шартнома «БУЮРТМАЧИ» ва/ёки «ПУДРАТЧИ» томонидан бошқа томонга билдиришнома юбориш орқали бекор қилиниши мумкин.

## 9. ТОРТИШУВЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. «БУЮРТМАЧИ» ва «ПУДРАТЧИ» ушбу Шартномадан келиб чиқадиган ёки у билан боғлиқ барча низоларни ва келишмовчиликларни дўстона тарзда ҳал қилиш учун барча чораларни кўради.

9.2. Агар томонлар келишувга эриша олмасалар, у ҳолда Умумий юрисдикция суди ваколатидан ташқари барча суд низолари ва келишмовчиликлар, ушбу суд иш юритиш қоидаларига мувофиқ, хўжалик судида ҳал қилинади.

## 10. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва иккала томон имзолаган тақдирда кучга эга бўлади.
10.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш томонларнинг келишувига биноан ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган асосларда, етказилган зарарни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.
10.3. «БУЮРТМАЧИ» қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақлидир:
- шартномада белгиланган қурилишни тугатиш муддати бир ойдан ошганида «ПУДРАТЧИ» томонидан унинг айби билан қурилиш жараёнининг кечикиши;
- «ПУДРАТЧИ» томонидан шартнома шартларини бузилиши натижасида лойиҳада кўзда тутилган иш сифатининг пасайиши.
10.4. «ПУДРАТЧИ» қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақлидир:
- «БУЮРТМАЧИ» томонидан қурилиш-монтаж ишларининг бажарилишини «ПУДРАТЧИ» ихтиёрига боғлиқ бўлмаган сабаб билан ўн кундан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйиш;
- «БУЮРТМАЧИ» томонидан лойиҳа ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши сабабли қурилиш нархининг 50% дан ортиққа пасайиши;
- «БУЮРТМАЧИ» томонидан қурилишни молиялаштиришни давом эттириш имкониятини йўқотиш.
10.5. «БУЮРТМАЧИ» ва «ПУДРАТЧИ»нинг биргаликдаги қарори билан шартнома бекор қилингандан сўнг тугалланмаган қурилиш «БУЮРТМАЧИ»га ўтказилади, у «ПУДРАТЧИ»га у томонидан амалда бажарилган ва биргаликда келишилган иш ҳақи миқдорини тўлайди.
10.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон бошқа томонга ёзма равишда хабар юборади.

## 11. ЎЗГА ШАРТЛАР

11.1. Объектнинг нормал ишлаши ва унга киритилган муҳандислик тизимлари, ускуналари, материаллари ва ишларининг кафолат муддати томонлар томонидан объектнинг қурилиши тугалланганлиги учун қабул қилиш далолатномаси имзоланган кундан бошлаб 12 ой давомида белгиланади, бунда учинчи шахслар томонидан қасддан зарар етказиш ҳолатлари истисно этилади.
11.2. Агар кафолат муддати давомида, улар бартараф этилгунга қадар объектнинг нормал ишлашига имкон бермайдиган камчиликлар аниқланса, кафолат муддати камчиликларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Камчиликларни бартараф этиш «ПУДРАТЧИ» томонидан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
11.3. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни йўқ қилиш муддати томонларнинг икки томонлама имзоланган Акт билан белгиланади.
11.4. Агар томонлардан бири бажарилган иш актини тузишдан ёки имзолашдан бош тортса, томонлар бажарилган ишнинг қиймати ва сифатини тасдиқлаш учун малакали экспертизани жалб қилишади ва тегишли далолатнома тузишади. Ушбу далолатнома иқтисодий судга шикоят бериш учун асос бўлиб хизмат қилади.
11.5. «ПУДРАТЧИ»нинг айби билан объектни қурилиши натижасида учинчи шахсга етказилган зарар «ПУДРАТЧИ» томонидан, «БУЮРТМАЧИ»нинг айби билан эса - «Буюртмачи» томонидан қопланади.
11.6. Ушбу шартнома тенг юридик кучга эга икки нусхада тузилган бўлиб, томонларнинг ҳар бирига битта нусхадан берилган.
11.7. Ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати имзоланган кундан 2022 йил 31 декабргача.

## 12. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА ТАФСИЛОТЛАРИ

**«ПУДРАТЧИ»**

**«BANDIXON BIZNES BINOKOR» МЧЖ**

**Адрес; Тошкент шахар,**
**Учтепа тум,Тошкент Халқа Автомобил Йўли кўчаси**
**р/х 2020 8000 2054 2788 3002**
**«Инфин банк» АТБ Учтепа филиали МФО01165**
**ИНН 308 559 358**

Директор ______________ С.Ж.Омонкулов

М.Ў.

**«БУЮРТМАЧИ»**

**ССТИБЎСМ**
**Тошкент вил., Тошкент тум., Келес ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй.**
**М.Х/Р 100021860272657083620245001**
**ИНН 207238071 ОКЭД 85510**
**Молия Вазирлиги Fазначилиги**
**Х/Р 23402000300100001010**
**Тошкент шахар Марказий банки ХККМ**
**МФО 00014 ИНН 201122919**

Б.И. Содиқ

М.Ў.